

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

377 **Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомоди ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1334-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2004 йил 10 мартдаги 37, 2004-26 ва 20/1-сон қарори (рўйхат рақами 1334, 2004 йил 6 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 14-сон, 173-модда) билан тасдиқланган Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомоди ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 7 июль,
62-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 7 июль,
2015-25-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А. АБДУҲАКИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 7 июль,
25-қ/қ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлигининг 2015 йил 7 июлдаги
62, 2015-25, 25-қ/қ -сон қарорига
ИЛОВА

**Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк
камомати ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банддаги «кредит уюшмаларидан» деган сўзлар «бошқа кредит ташкилотларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 19-банднинг «а» кичик банди биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«а) узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:».